

*“МАЪҚУЛЛАНГАН”  
«Матбуот тарқатувчи»  
акциядорлик компанияси  
Кузатув Кенгаши  
2018 йил \_\_\_ ноябрь  
\_\_\_-баённомаси*

**«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ**

**2019 йил**

**БИЗНЕС – РЕЖАСИ**

ТОШКЕНТ – 2018

## Мундарижа

- 1. Компаниянинг мақсади.**
- 2. Компания тўғрисида маълумот:**
  - 2.1. Реквизитлар, мақоми, таркиби;
  - 2.2. Бозордаги ахволи, мавжуд амалий алоқалар ва амалий нуфуз;
  - 2.3. Мавжуд ва прогноз қилинаётган салоҳият;
  - 2.4. Иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлар;
  - 2.5. Компания бино, иншоотлар ва технологик жихозлар фото материаллари;
- 3. Компания стратегияси** (Компанияни ташкил қилиш асослари ва шарт шaroитлари)
- 4. Компания кўрсатадиган хизматлари бўйича маркетинг концепцияси:**
  - 4.1. Талаб ва таклиф.
    - 4.1.1. Бозор тузилмаси ва тавсифи. Маҳсулот тавсифи, унинг бозорда рақобатга бардошлилиги;
    - 4.1.2. Тармоқнинг мавжуд салоҳияти, рақобатчи корхоналар, тармоқни ривожлантириш истиқболлари ва муаммоларини баҳолаш;
    - 4.1.3. Тармоқнинг миллий иқтисодиётдаги роли, унинг устуворликлари ва мақсадлари;
    - 4.1.4. Мавжуд талаб, унинг ўсишини прогноз қилувчи асосий омиллар ва кўрсаткичлар;
    - 4.1.5. Импорт ва унинг келгусидаги тенденциялари, ҳажми ва нархлари;
  - 4.2. Маркетинг концепцияси, сотиш прогнози.
    - 4.2.1. Бозорларнинг жойлашган жойи, бозор сегментацияси;
    - 4.2.2. Мавжуд потенциал, маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар томонидан кутилаётган рақобат;
    - 4.2.3. Сотиш дастури, сотишни ташкил этиш;
  - 4.3. Фойдаланиладиган савдо маркалари ва хизматнинг патент тозалиги;
  - 4.4. Маркетинг ҳаражатларини баҳолаш;
- 5. Компаниянинг жойлашган жойи:**
  - 5.1. Компаниянинг жойлашган жойи тавсифи;
    - 5.1.1. Хом ашё бозорларидан узоклик ва тайёр маҳсулотни сотиш, транспорт коммуникациялари;
    - 5.1.2. Хизмат кўрсатиш ва ижтимоий инфратузилмасини баҳолаш;
    - 5.1.3. Минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш хусусиятларини ҳисобга олиш, афзаллик ва чеклашлар;
    - 5.1.4. Экология, атроф-муҳитга таъсири (умумий ахборот)
- 6. Хизмат кўрсатишни ривожлантириш:**
  - 6.1. Компаниянинг ташкилий тузилмаси;
  - 6.2. Компанияда хизмат кўрсатишни ривожлантириш;
- 7. Меҳнат ресурслари:**
  - 7.1. Меҳнат ресурсларига эҳтиёж ва уларнинг мавжудлиги;
  - 7.2. Кадрларга қўйиладиган талаблар, уларни ўқитиш зарурияти ва ўқитишни ташкил этиш;
  - 7.3. Штатлар жадвали;

- 7.4. Бўлим бўйича харажатларни баҳолаш;
- 8. Молиявий-иқтисодий маълумотлар:**
  - 8.1. Сотишдан тушадиган тушум;
  - 8.2. Иш хизматлари калькуляцияси;
  - 8.3. Ўзгарувчан ва ўзгармас харажатлар;
  - 8.4. Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича харажатлар;
  - 8.5. Асосий воситалар амортизацияси;
  - 8.6. Солиқ ва мажбурий тўловлар;
  - 8.7. Пул оқимлари тўғрисида маълумот;
  - 8.8. Фойда ва зарарлар прогнози;
  - 8.9. Прогноз қилинаётган баланс;
- 9. Таваккалчиликни баҳолаш ва суғурта қилиш ишлари.**

## 1. Компаниянинг мақсади

Компаниянинг мақсадлари куйидагилар:

- Компаниянинг стратегик барқарорлигини таъминлаш, инновацион бизнес-ғоялар ишлаб чиқиш, Компаниянинг стратегик рақобатбардошлигини таъминлашда замонавий ташкилий маданиятни яратиш;
- матбуот нашрларини тарқатиш соҳасида меъёрий-ҳуқуқий базани янада ривожлантириш ва такомиллаштириш;
- даврий матбуот нашрлари савдосининг самарадорлигини ошириш, сотув ҳажмини кенгайтириш ва “Матбуот” киосклари сонини кўпайтириш;
- “Матбуот” киоскаларида сотиладиган матбуот нашрлари турларини кўпайтиришга ёрдамлашиш ва ижтимоий аҳамиятга эга нашрларнинг сотувда мавжудлигини таъминлаш;
- даврий матбуотни тарқатиш соҳасида замонавий технологияларни такомиллаштириш ва уларни соҳага киритишга кўмаклашиш;
- ахборот-коммуникация технологиялари асосида янги хизмат турларини ривожлантириш.

## 2. Компания тўғрисида маълумот

2.1. Реквизитлар, мақоми, таркиби.

2.1.1. КОМПАНИЯ ТЎЛИҚ НОМИ – *«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;*

2.1.2. ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ - *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 13 сентябрь 418-сонли қарори;*

2.1.3. АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА РЎЙХАТГА ОЛИНГАН - *2000 йил 29 февраль 1279-сон*

2.1.4. ТАШКИЛИЙ –ҲУҚУҚИЙ ШАКЛИ - *акциядорлик жамияти;*

2.1.5. ЮРИДИК МАНЗИЛИ - *Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 100000, Амир Темура 1-тор кўчаси, 2 уй;*

2.1.6. БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ - *х/р 20208000100415438001, АТБ «Алоқабанк», МФО 00401, СТИР 203213028;*

2.1.7. АСОСИЙ ФАОЛИЯТ ТУРИ - *вақтли матбуот нашрларини тарқатиш;*

2.1.8. КОМПАНИЯ АКЦИЯДОРЛАРИ СОНИ - *400, шу жумладан*

- *жисмоний шахслар - 390*

- *юримдик шахслар - 10*

2.1.9. КОМПАНИЯ ТИЗИМИДАГИ КОРХОНАЛАР СОНИ (ШК, МЧЖ) - *14;*

2.1.10. КОМПАНИЯ ХОДИМЛАРИ СОНИ

- *жами - 656 нафар, шу жумладан бошқарув аппаратида – 200 киши, МБП- 22 киши; шу билан бирга киоскларда ижара шартномаси орқали фаолият кўрсатувчи 650 дан ортиқ тадбиркорлар.*

2.1.11. КОМПАНИЯ БОШҚАРУВИ

*Акциядорлар Умумий йиғилиши,*

*Кузатув Кенгаши,*

*Ижрочи орган - Бош директор,*

*Тафтишчи орган – Тафтиш комиссияси.*

2.1.12. КОМПАНИЯ МАЪМУРИЯТИ

*Бош директор - Арипов Махмуд Гаипович,*

*Бош бухгалтер - Малева Надежда Викторовна.*

2.1.13. УСТАВ ФОНДИ МИҚДОРИ ВА АКЦИЯЛАРИ

*Компания Устав фонди - 4 000 000, 0 минг сўм.*

*жами акциялар сони - 1 000 000 дона,*

*акциялар номинал қиймати - 4000 сўм.*

*акциялар тури - эгаси ёзилган оддий акция.*

#### 2.1.14. УСТАВ ФОНДИ УЛУШЛАРИ

- Давлат - 26,0 %,
- чет эл корхонаси - 10,1 %,
- эркин сотувда - 63,9 %.

#### 2.2. Бозордаги аҳволи, мавжуд амалий алоқалар ва амалий нуфуз.

Компания томонидан вақтли нашрларни тарқатиш учун таҳририятлар, республика вақтли нашрлар босмаҳоналари ва ҳуқуқий характердаги китоблар, шунингдек бадиий адабиётга оид китоблар чоп этадиган нашриётлар билан ҳамкорликда шартномалар тузилган.

“Шарқ” НМАК, “Ўзбекистон” НМИУ билан газета ва журналларни экспедиция қилиш ва “Халқаро почтампт” филиали билан Республика вилоятларига самолёт ва автомобиллар орқали етказиб беришни амалга ошириш бўйича шартномалар тузилган.

“Матбуот тарқатувчи” акциядорлик компанияси аризалар ва сотув буюртмаларини йиғиш йўллари орқали ҳар ойлик маркетинг тадқиқотлари ва вақтли матбуотга бўлган талаб мониторингини ўтказишни ташкил қилади.

Компания Тошкент шаҳри ҳамда вилоят ҳокимликлари билан ҳамкорликда доимий равишда чакана савдо дўконлари тармоғини оқилона ва самарали жойлаштириш чоратadbирларини ишлаб чиқиш ишларини олиб боради.

Компания томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тарқатиладиган китоб ва нашрларнинг катологи ҳар йили чиқарилади. Катологга вақтли нашрларнинг 400 дан ортиқроқ номлари киритилган. Обуна турли нархларда уюштирилади ва киоскга ёки обуначининг манзилига етказиб берилади.

#### 2.3. Мавжуд ва прогноз қилинаётган салоҳият.

Кейинги йилларда ривожлантириш бўйича олиб борилган ишлар натижасида Компания тизими ва моддий техника базаси даврий нашрлар бозоридаги ўзгаришларга жавобан тезкор фаолият кўрсатиш ва шакллантириш орқали унда каттароқ манфаат келтирадиган ўрин эгаллаш имкониятини беради.

Соҳага инновация янгиликларини киритиш ҳамда республика аҳолисини вақтли матбуот нашрларига бўлган эҳтиёжини қондириш, автоматлаштирилган тизим орқали обуна уюштириш, ҳужжатларга ишлов беришда тез ва сифатли хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш мақсадида обуна тизимини модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, “Матбуот тарқатувчи” АК томонидан Техник топшириқ ва Техник иқтисодий асосга биноан “Автоматлаштирилган обуна тизимини модернизация қилиш” лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида, Компания маблағлари ҳисобига замонавий сервер ва тизимидаги ШК ва МЧЖларнинг замонавий техникага бўлган эҳтиёжларидан келиб чиқиб, корхоналарга тарқатилган. 2019 йилда ишлаб чиқаришга жорий этилган компьютер техникалари техник ҳолати қайта кўриб чиқилиб янгиланади.

Республика аҳолисини вақтли матбуот нашрларига бўлган эҳтиёжини қондириш ва обуна уюштиришда барча ҳужжатларга ишлов беришни автоматлаштирилган тизими орқали амалга ошириш мижозларга тез ва сифатли хизмат кўрсатилишига имкон яратади ва иш самарадорлигини оширади.

Обуна дастурини кейинги босқичини яратиш, яъни ҳар бир вилоят корхонасига алоҳида дастур ўрнатилиб, киритилаётган ҳужжатлар кунига бир маротаба интернет орқали компания ягона серверида нусха қилиниши заруратидан келиб чиқиб, вилоят туман бўлимларида ҳам дастурни ўрнатиш ишлари давом эттирилади.

Янгиланган дастурга асосан вилоят корхоналари серверларига дастур ўрнатилиб туман бўлимлари обуна буюртмалари вилоят марказида интернет орқали жамланади ва

Компания серверида янгилаиб борилади.

2019 йил обуна кампанияси давомида вилоят корхоналари обуна буюртмалари вилоятлар серверларида шакллантирилиб, интернет орқали Компания ягона обуна базасига жамланиши амалга оширилади. Келгусида ушбу дастурни йирик шаҳарлар ва туман марказларида ўрнатиш ишлари олиб борилади.

#### 2.4. Иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари.

2018 йил 9 ойлигида Компания олдида қўйилган мақсад ва вазифаларга эришиш учун ҳисобот даврида асосий ва молиявий ҳамда бошқа фаолият соҳаларини кенгайтириш бўйича Компания маъмурияти томонидан белгиланган ишлар амалга оширилди.

Компания тизимидаги жами корхоналар бўйича 2018 йил 9 ойлиги давомида:

- товар айланма режадаги 59 943,9 млн. сўм ўрнига 65 206,2 млн.сўм;
- ялпи даромад 12 675,2 млн. сўм ўрнига 12 886,7 млн. сўм;
- соф фойда 148 425,0 млн. ўрнига 145 965,9 млн. сўмга бажарилди.

Давлат бюджетига режадаги 2 435,3 млн. сўмлик солиқлар тўланди.

#### 2.5. Компания маъмурий биноси ва “Матбуот” киосклари фото материаллари.

Компания маъмурий биноси кўринишлари:



*Компания маъмурий биноси олд томонидан кўриниши.*



*- орқа томонидан кўриниши,*



- омборхоналар,



- саралаш хоналари.

Компаниянинг тасдиқланган “Матбуот” киоскларининг кўринишлари:



Компаниянинг асосий воситалари бўйича маълумот 1-жадвалда илова қилинган.

### 3. Компания стратегияси

(Компанияни ташкил қилиш асослари ва шарт шaroитлари)

Республикаимиз Хукумати томонидан вақтли матбуот нашрларини тарқатиш соҳасига алоҳида эътибор қаратилаётгани сабабли, вақтли матбуотни тарқатиш корхоналарини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва уларнинг ягона тармоғини ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси аҳолисини чакана савдо ҳамда обуна орқали матбуот маҳсулотлари билан таъминлаш, уни етказиб беришни жадаллаштириш ва унинг нархини пасайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 13 сентябрдаги «Вақтли матбуотни тарқатиш корхоналари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 418-сонли Қарори қабул қилиниб, «Матбуот тарқатувчи» ва «Матбуот тарқатиш маркази» Ёпиқ Акциядорлик Компаниялари негизда ягона «Matbuot tarqatuvchi» Акциядорлик Компанияси ташкил этилган.

Қарорга асосан, қуйидагилар "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компаниясининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгиланган:

- республика аҳолисининг ва бошқа давлатларнинг Ўзбекистон Республикаси вақтли матбуотига бўлган эҳтиёжини қондириш;

- вақтли нашрларга бўлган эҳтиёж маркетинги ва мониторингини ташкил этиш;

- вақтли матбуотни чакана савдо дўконлари тармоғи ва вақтли матбуотни тарқатувчилар орқали тарқатишни таъминлаш;

- чакана савдо дўконлари тармоғини оқилона ва самарали жойлаштириш ҳамда ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- "Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамияти корхоналари билан биргаликда вақтли матбуот истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб берилишини, шунингдек, вақтли матбуотга обуна бўлишни ташкил қилиш ва унинг алоқа бўлимлари тармоқлари орқали сотилишини таъминлаш.

Даврий нашрларни тарқатишнинг муваффақиятли стратегиясини ишлаб чиқиш кўп жиҳатдан даврий нашрни бозорга ўтказиш режасига боғлиқдир. Аввало бозорнинг тўғри маркетинг тадқиқотини ўтказиш, нашрнинг ўқувчилар базасини белгилаш муҳим. Уни тарқатиш минтақаси ва мақсадли аудиториясини танлаш, нашр ўрнини белгилаш уларсиз ададни белгилаб ва уни реализация қилиб бўлмайдиган маълумотларни олиш имконини беради. Тарқатиш стратегияси таҳририятнинг нарх сиёсатига, нашр сонларининг обунадаги ва чакана қийматини белгилашга ҳам боғлиқ.

#### **4. Компания кўрсатадиган хизматлари бўйича маркетинг концепцияси**

##### **4.1. Талаб ва таклиф.**

##### **4.1.1. Бозор тузилмаси ва тавсифи. Маҳсулот (хизмат) тавсифи, унинг бозорда рақобатга бардошлилиги.**

Босма оммавий ахборот воситалари бошқа ОАВлар билан қиёслаганда муҳим афзалликка эгадир. Бу афзаллик қоғоз варағининг моддий эканлиги билан боғлиқ. Газета хабари босилган қоғоз босма даврий нашр сонининг мазмунини узоқ вақт сақлашни таъминлайди. Газетани тўлиқ ёки қисман ўқиш, уйга олиб келиб охиригача ўқиш, архивга қўйиш ва у сақланиб турса, исталган вақтда олиб ўқиш мумкин.

Журналистик ахборот икки ёқлама хусусиятга эгадир. Бир томондан, у инсон онгига таъсир кўрсатиш, уни маълум фаолиятга ундаш, унинг олам ҳақидаги тасаввурларини ўзгартириш ёки ўзи турган ҳаётини вазиятларда яхши йўл топишга йўналтириш мақсадида яратиладиган маънавий ишлаб чиқариш маҳсулотидир. Иккинчи томондан, бу ахборот бозорга келиб тушади ва товарга айланади. Ҳар қандай товар каби у истеъмол қийматига ва пул ифодасидаги қийматга эгадир. Биринчиси, бу товарнинг харидорнинг ахборотга эҳтиёжини қондиришга лаёқатини англатади. Иккинчиси, бу товарни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган меҳнат сарфининг нархини англатади.

Даврий нашрларнинг тарқатувчилари ишлаб чиқарувчилар - журналистик ахборот сотувчилари билан унинг харидорлари - истеъмолчилар ўртасидаги айирбошлаш жараёнида муҳим роль ўйнай бошлашди.

Республика минтақаларидаги тарқатувчилар бозорида "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси устувор мавқени эгаллаган. Матбуот маҳсулотларини тарқатиш тармоғи ўз навбатида фуқаролар ахборот олишларининг конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш усули, сўз эркинлигини таъминлаш воситаси ҳамда давлатнинг ахборот хавфсизлигини мустаҳкамлайдиган ва ягона ахборот маконини шакллантирадиган миллий манбаи ҳисобланади.

Кўпчилик фуқаролар учун, айниқса вилоятларда, босма ОАВ янгиликлар, таҳлилий ва кўнгилочар ахборотларнинг ишончли манбаи ҳисобланади. Ижтимоий тадқиқотлар аҳолининг босма нашрларга ишонч даражаси аввалгидек юқорилигини кўрсатади.



Бугунги кунда Компаниянинг матбуот маҳсулотларини тарқатиш тармоғида 1300 дан ортиқ ходим банд. Жиддий технологик база яратилган бўлиб, омбор ва саралаш, маҳсулотларни ташиш бўлинмалари, IT-таъминоти, маҳсулотларни етказиб бериш ҳамда бир қатор хизмат кўрсатиш ишларини ўз ичига олади.

“Матбуот тарқатувчи” акциядорлик компанияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимиятлари билан ҳамкорликда чакана савдо матбуот киосклари тармоғини оқилона ва самарали жойлаштириш ҳамда ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ишларини олиб бормоқда. Компания фаолиятининг бошида матбуот киоскларининг 70% дан кўпроғи эски кўринишда (ёғочдан ясалган) эди. Ўтган вақт мобайнида Компания томонидан 500 дан ортиқ матбуот киосклари ўрнига янги типдаги (металлдан ясалган) сотиб олинди ва янгиланди, уларнинг бир қисми республиканинг катта шаҳарлари ва вилоят марказларига ўрнатилди.

4.1.2. Тармоқнинг мавжуд салоҳияти, рақобатчи корхоналар, тармоқни ривожлантириш истиқболлари ва муаммоларини баҳолаш.

Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” қонунининг:

26-моддасида Оммавий ахборот воситалари маҳсулотини тарқатилиш услуби белгиланган ва бу моддада:

Оммавий ахборот воситаси маҳсулотини тарқатиш бевосита таҳририят томонидан, шунингдек белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахслар томонидан шартнома асосида амалга оширилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Босма оммавий ахборот воситалари маҳсулотини тарқатиш уларга обуна ташкил этиш, шунингдек чакана савдо тармоғи орқали амалга оширилади. Рўйхатдан ўтказилган даврий босма нашрлар ададини чакана савдо орқали, шу жумладан қўлда сотиш, нашрлар таҳририятларининг штатдаги тарқатувчилари томонидан ёки савдо тармоғига эга бўлган юридик шахслар, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши кўзда тутилган.

Таҳририятлар ўз нашрларини нафақат матбуот тарқатиш корхоналари орқали эмас, балки бошқа тижорат фирмалари ва хусусий тадбиркорлар орқали ҳам улгуржи сотишлари сир эмас.

Ушбу корхоналар асосланмаган ва сунъий равишда даврий нашрларнинг обуна нархларини ўрнатиб, ўз каталогларига биноан даврий нашрлар обуна пулларини обуначилардан йиғиб олишмоқда. Лекин уларнинг моддий-техника базалари шаклланмаганлиги, даврий нашрларни етказиб берувчи автомобил транспортлари, офислари, омбор (саралаш участкалари) ва маҳсулотларни ташиш (етказиб бериш) бўлинмалари ва IT-таъминоти мавжуд эмаслиги сабабли, нашрларни йил охиригача етказиб бериш мажбуриятларини бажара олишмаяпти. Шу билан бирга ушбу хусусий корхоналарнинг аҳолига хизмат кўрсатувчи даврий нашрларни тарқатиш бўйича чакана савдо тармоқлари (матбуот дўконлари) мавжуд эмас.

Масала ечими даврий нашрлар тарқатилиши ҳисобини (ягона базасини) ҳамда обуначилар мониторингини олиб борилишини кенгайтириш имконини беради. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида вақтли матбуот нашрларни тарқатаётган корхоналар 170 тадан кўп.

Бундан ташқари ҳар бир вилоят ва туманларда матбуот нашрларини сотиш билан шуғулланувчи кўпчиликни ташкил қиладиган хусусий тадбиркорлар фаолият олиб бормоқда.

Даврий нашрларнинг 2019 йил обуна ва чакана нархларини шакллантиришда рақобатчи корхоналарнинг нархларини инобатга олган ҳолда белгиланиши режалаштирилган.

Аҳолини чакана савдо орқали матбуот маҳсулоти билан таъминлаш мақсадида аҳоли гавжум жойларда вақтли матбуот киоскларини жойлаштириш даврий нашрлар ададлари кўпайишига олиб келади ҳамда муштарийларга кўшимча қулайликлар яратади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 13 сентябрдаги 418-сон қарорининг 10-бандида: «... ҳокимликлари вақтли матбуот сотиладиган савдо тармоқларини одамлар гавжум жойларда, жамоат жойларида, янги объектлар барпо этиладиган ҳудудларда қуришни назарда тутсинлар», деб кўрсатилишига қарамай, айрим туманларда матбуот киоскалари масъул ходимлар талабига асосан одамлар гавжум жойлардан чиқариб ташланган.

Охирги икки йил давомида Компания ва тизим корхоналарига тегишли 100дан ортиқ “Матбуот” киосклари маҳаллий ҳокимлик вакилларининг талаблари асосида ёпилиб фаолияти тўхтатилди, бу эса ўз навбатида аҳолига вақтли матбуот нашрларини ўз вақтида етказиб берилишида қийинчиликлар келтириб чиқармоқда.

Ўтказилган таҳлиллар даврий нашрларнинг ҳисоб ҳужжатларида қайд этилмаган ададлари даврий нашрларнинг улгуржи “бозор” деб аталмиш савдосида олиб борилишини кўрсатди.

Таҳририятлар ўз нашрларини нафақат матбуот тарқатиш корхоналари орқали, балки бошқа тижорат фирмалари ва тадбиркорлар орқали ҳам улгуржи сотишлари сир эмас.

Баъзи бир тижорат нашрларнинг таҳририятлари, баъзи босмаҳоналар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар белгиланган тартибда улгуржи савдо лицензиясига эга бўлмай туриб даврий нашрлар улгуржи савдоси билан шўғулланади, яъни “бозор” аталмиш улгуржи бозорда ўз нашрларини сотишади.

Айрим таҳририятлар ўз даврий нашрлари ададларининг 15-20%га матбуот тарқатувчи корхоналар билан чакана савдо орқали сотиш шартномасини расмийлаштириб, шу шартномадан фойдаланиб нашрларининг қайд этилмаган ададларини сохта “тадбиркорлар” орқали сотишга ҳаракат қилишади.

Шунингдек ушбу нашрларни сотиб олган сохта “тадбиркорлар” фаолиятини белгиланган тартибда расмийлаштирмасдан, белгиланган солиқ ва бошқа тўловларни тўламасдан фаолият олиб боришади. Албатта ҳақиқий тираждан ортиқ чоп этилган нашрларнинг ҳужжатлари расмийлаштирилмайди, ушбу нашрлар турли воситалар орқали муштарийларга тавсия этилади.

Масалан, Тошкент шаҳридаги даврий нашрлар улгуржи бозори Мирзо Улуғбек туманида Буюк ипак йўли ва Ш.Бурхонов кўчалари кесишмасидаги “Наврўз” деҳқон бозори ҳудудида жойлашган, ҳамда шаҳар чеккасидаги “Қуёшли” канцтоварлар сотиш бозорида ҳам даврий нашрлар сотуви ташкил этилган. Газета ва журналлар йирик улгуржи бозори Қўқон шаҳрининг буюм бозорида ҳам фаолият олиб бориши аниқланган.

Ушбу масала ижобий ҳал этилиши даврий нашрлар барча ададлари ҳисоб ҳужжатларида қайд этилиши, давлат бюджетига солиқлар ҳамда банк тизимига нақд пул тушуми ошиши имконини беради.

#### 4.1.3. Тармоқнинг миллий иқтисодиётдаги роли, унинг устуворликлари ва мақсадлари.

Компаниянинг даврий нашрларни чакана савдо орқали тарқатиш тармоғи республикада йирик тармоқлардан бири бўлиб ҳисобланади. Ўтган давр мобайнида Компания даврий нашрларни сотиш матбуот киоскларининг ташқи кўринишини ўгартира олди. Замоनावий матбуот киоскалари замонавий Ўзбекистоннинг қайта қурилаётган ва яхшиланаётган шаҳарларининг ажралмас қисми бўлиб қолди.

Янги матбуот киосклар лойиҳаларини ишлаб чиқишда қадимги Шарқ анъаналари сақлаб қолинган ҳолда замонавий қурилиш саноати ютуқлари ҳисобга олинмоқда.

Шунингдек, полиграфия соҳаси Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий бўғинларидан бўлиб қолаётгани ҳамда бир қатор фаолият юритаётган босмаҳона корхоналари даврий

матбуот маҳсулотларини кўп ададли ва юқори сифатли ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, тўлиқ замонавийлаштиришни амалга оширганини таъқидлаш лозим.

#### 4.1.4. Мавжуд талаб, унинг ўсишини прогноз қилувчи асосий омиллар ва кўрсаткичлар.

Ўзбекистонда обуна даврий матбуотни тарқатишнинг асосий усулларида бири ҳисобланади. Обуна даврий матбуотни тарқатиш усули сифатида бир қатор афзалликларга эга. Обуна даврий мобайнида уйига ёки корхонага обуна бўлинган нашр етказиб берилиши билан у ўқувчилар учун қулай. Обуна учун ҳақ тўлаб, у ушбу давр мобайнида бундан кейинги харажатлардан халос бўлиши ҳам қулайлик туғдиради. Дарҳол обуначидан йирик пул суммасини олиши билан обуна таҳририятга ҳам қулайлик яратади.

Адади оз ва доимий чекланган ўқувчилар доирасига эга бўлган баъзи нашрлар фақат обуна бўйича тарқатилади. Уларга, масалан, ихтисослашган техник ва илмий журналлар, ўқувчиларнинг тор техник ва ишлаб чиқариш доирасига эга бўлган маълумот берувчи ва ахборот бюллетенлари ҳамда улар мўлжалланган миллатларнинг вакиллари тарқоқ ҳолда яшайдиган минтақаларда тарқатиладиган баъзи бир миллий ва хорижий тиллардаги нашрлар киради.

Нашрни чакана сотиш - уни тарқатишнинг иккинчи энг муҳим усули. Унинг аҳамияти узлуксиз ошиб бормоқда. Чакана сотиш даврий матбуотни тарқатишнинг бошқа барча усулларида аввал пайдо бўлган. Ўзбекистонда дастлабки газеталар ҳам, бошқа мамлакатларда бўлганидек, ўз ноширлари томонидан таҳририятда ёки тўғридан-тўғри босмаҳонада сотилган. Кейин газета ва журналларни чакана сотиш китоб дўконларида ташкил қилинган.

Чакана савдо орқали сотиш Компанияга тарқатиш "географияси"ни бошқариб, ададнинг катта қисмини чоп этилган сонга талаб кучайиб кетган минтақа, шаҳар ёки хатто унинг алоҳида бир туманига юбориш имкониятини ҳам беради.

Ахборот соҳасидаги ўзгаришлар, Давлат томонидан амалга оширилаётган қўллаб-қувватлаш чоралари мамлакат босма оммавий ахборот воситаларининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда, уларнинг сони кейинги 10 йилда икки баравардан кўпроқ ошди. Ўзбекистонда 1000 дан ортиқ газета, журнал, хабарнома ва бюллетенлар чоп этилмоқда. Ўрта миқдорда доимий 60 нашриёт, 5 ахборот агентлиги муваффақиятли ишламоқда.

Эгаллаш мўлжалланаётган бозор сегменти 18 миллиондан ортиқ бўлғуси харидорларни ташкил қилади. Газета ва журналларнинг ўқувчилари ва обуначилари йирик корхона ва ташкилотлар, микрофирмалар ва кичик корхоналар, фермер ва деҳқон хўжаликларининг вакиллари, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркорлардан иборат бўлади.

Маркетинг тадқиқотларининг кўрсатишича, уларнинг 80%и ОАВ бозорининг улар манфаатларига тааллуқли бўлган қисмидаги ҳолатдан қониқмайдилар, шу сабабли ҳам улар газеталарга обуна бўлмай, теледастурлари бўлган кичик маҳаллий нашрларни сотиб олиш билан чекландилар. Компания харидорлари доираси ўрта ва йирик корхоналар ходимлари ҳисобига анча кенг бўлиши кутилмоқда.

Газета ва журналларнинг тарқалиш ҳудуди бутун республикани қамрайди. 2019 йил мобайнида Компания даврий нашрлар ададларининг катта қисмини Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида тарқатишни мўлжаллаётди, чунки бу ерда бўлғуси харидорларнинг 60% дан кўпроғи яшайди ва ишлайди.

#### 4.1.5. Импорт ва унинг келгусидаги тенденциялари, ҳажми ва нархлари.

Компания томонидан хорижий даврий нашрларни тарқатиш "Ўзбекистон почтаси" АЖ билан ҳамкорликка асосан обуна уюштириш орқали олиб борилар эди. Кейинги йилда унинг "Матбуот тарқатиш" филиали орқали Россия Федерацияси даврий нашрларига обуна уюштириш ишлари амалга оширилади. Тегишли каталоглар чоп этилиб жойларга тарқатилган.

Келгусида хорижий даврий нашрларни Компанияга етказиб берувчи корхоналар “Роспечать”, “Почта России”, “Казпочта” ва “Киргизпочта” билан шартнома тузилиши келишилган, белгиланган ишлар олиб борилмоқда.

#### 4.2. Маркетинг концепцияси, сотиш прогнози.

##### 4.2.1. Бозорларнинг жойлашган жойи, бозор сегментацияси.

Республика аҳолисига бевосита қулай жойда “Матбуот” киоскларининг мавжудлиги, турли хилдаги матбуот маҳсулотларини сотишнинг бутун бир жараёнини ташкил қилиш Компаниядан катта харажатларни талаб қилади.

Асосий харажатлардан бири бу транспорт-омбор логистикасидир. Бозорнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бу даврий матбуот маҳсулотлари, айниқса газеталарнинг жуда қисқа ҳаётий даври бўлиб, тизимда уларни тўғридан-тўғри олиб келиб саралаш ва ададларини бир томонлама ҳамда қайта етказиб бериш катта логистик машаққатни талаб қилади.

Маҳсулотларни чакана савдо дўконларигача етказиб бериш харажатлари - автотранспорт харажатлари ҳаммада бўлгани каби ўзгарувчан эмас, балки доимий харажатлар ҳисобланади. Матбуот киосклар тармоғини ривожлантириш катта инвестиция киритишни талаб қилади. Битта матбуот киоскининг нархи ўртача 34-35 млн. сўмни ташкил этади, барча харажатларни ҳисоблаганда, ҳар бир янги киоскни савдо жойига ўрнатишни инобатга олса Компанияга 38 млн. сўмга тушади.

Матбуот тарқатиш тизимини сақлаб қолиш учун матбуот корхоналари рентабеллик даражасини 4-5% дан туширмасликлари керак. Бунга эса аҳоли эҳтиёждаги сотувга рухсат этилган маҳсулотлар турлари, аҳоли томонидан кўп сўраладиган мавсумий, катта талабга эга, шунингдек хизматлар бозорида кўп сўраладиган хизматлар кўрсатиш эвазига эришиш мумкин.

##### 4.2.2. Мавжуд потенциал, маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар томонидан кутилаётган рақобат.

Кейинги йилларда даврий нашрларни тарқатиш бозори тез сурутда ҳам сон жиҳатдан, ҳам сифат жиҳатдан ривожланмоқда. Бунга бир нечта сабаб ёрдам бермоқда: мамлакатда иқтисодий аҳволнинг ижобийлиги, матбуот тўғрисида қонунчиликнинг муқобиллиги, сифатли матбуотга бўлган талабнинг барқарор ўсиши ва технологияларнинг ривожланиши.

Натижада, ушбу бозорнинг капиталлаштирилиши ва ўзига инвестицион жалб қилиши ўсиб бормоқда, рўйхатга олинган вақтли матбуот нашрларининг сони ортиб бормоқда, рақобат кучаймоқда.

Матбуот киосклари босма ОАВларни сотишнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланади. Обуна ва бепул тарқатиладиган нашрларни ҳисобга олмасдан, чакана савдо бозорини қарайдиган бўлсак, Компаниянинг матбуот киосклари орқали газета ва журналларнинг 11-12% ададлари сотилади. Бугунги кунда ҳам матбуот киосклари бозорда ўзларининг фаоллигини йўқотмаганлар, яъни киоскларда даврий нашрларнинг кенг кўламдаги турлари мавжуд бўлиб, кўпчилик фуқаролар учун бевосита қулай жойда топиш имконияти мавжуд бўлган, газеталар, ижтимоий-сиёсий нашрлар ҳамда китобларни тарқатишнинг демократик, оммавий ва самаралироқ усули ҳисобланади.

Шунингдек, хориж тажрибасига таянган ҳолда матбуот киоскларининг вазифалари кенгаётганини таъкидлаш лозим. Матбуот киосклари аҳолига бир неча хизмат турларини кўрсатмоқдалар, масалан, ахборот, рекламага оид, турли хилдаги тўловларни қабул қилиш, интернет-магазинларнинг буюртмаларини бажариш каби хизматларни кўрсатмоқдалар.

Анъанавий “Матбуот” киосклари тез орада ҳозирги даврнинг талаб ва таклифларига асосан замонавийлаштирилиши зарур, шунингдек, келажакдаги кўриниши, умумий

мултимедиа марказлари – ҳар бир микрорайоннинг маданият ўчоғи, аҳолига бутун бир ижтимоий аҳамиятга эга хизматларни: маълумот берадиган (масофадан туриб, аудио ва босма), терминал тўловлари, интерактив карта, блютуз ёки wi-fi орқали маълумотларни узатиш (овоз, расм, видео), интернет буюртмаларини бериш, етказиб бериш ва бошқа хизмат турларини кўрсатадиган объект бўлиши керак.

#### 4.2.3. Сотиш дастури, сотишни ташкил этиш.

Компания тизимида маркетинг бўйича 2017-2018 йилларга мўлжалланган чора тадбирлар режа-дастури ишлаб чиқилган ва бажарилиши назоратга олинган.

Ушбу дастур Компания томонидан кўрсатилувчи хизматларни сотишни самарали ташкил этиш ва компания даромадларини ўсиши бўйича стратегик режасини ишлаб чиқиш, хизматларга бўлажак эҳтиёжни олдиндан белгилаш ва режалаштириш, янги хизматлар билан таъминлаш учун зарур тузилмани ташкил этиш, Компаниянинг маркетинг, ассортимент ва тариф сиёсатини, хизматларни сотиш дастурини шакллантиришни таъминлайди.

Жорий йилда “Матбуот” киоскларидан четдан олинган (ҳисоботда акс эттирилмаган) даврий нашрлар сотувини олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди.

“Матбуот” киоскларидан четдан олинган даврий нашрлар сотувини олдини олиш мақсадида харидоргир даврий нашрларга чегирмалар берилди.

Мижозлар талабини ўрганиш натижалари асосида “Матбуот” киоскларидан сотиладиган товарлар ассортименти кўпайтирилди.

2019 йил учун обуна ишларини жадаллаштириш мақсадида Тошкент шаҳрининг аҳоли гавжум жойларида ўрнатилган светодиодли экранларга, радио эфирларига, Ўзбекистон Республикаси даврий нашрларига Компаниянинг обуна рекламасини жойлаштирилади.

Маркетинг тадқиқотларига асосан Тошкент шаҳри туманларида ҳамда вилоят марказларининг аҳоли гавжум жойларига янги киосклар жойлаштирилмоқда.

Келгуси йилда маркетинг тадқиқотларини ривожлантириш режалаштирилган.

#### 4.3. Фойдаланиладиган савдо маркалари ва хизматнинг патент тозалиги.

Матбуот тарқатиш соҳасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси ўрганиб чиқилди ва “Положение о киоске розничной торговли АК «Матбуот тарқатувчи» и организации розничной торговли в киоске” норматив ҳужжати тасдиқланган (рус тилида).

Компания тасарруфидаги “Матбуот” киосklarининг бир хиллигини таъминлаш борасида киосklarнинг ягона стандартини ишлаб чиқиш мақсадида киосklar инвентаризация қилинди, киосklarнинг ташқи кўриниши саноат намунаси (умумий кўриниши)ни Интеллектуал мулк агентлигида тасдиқланган.

Компаниянинг янги кўринишдаги товар ва хизмат кўрсатиш белгиси Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигида 2013 йил 02 майда Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган (MGU 24110-сонли гувоҳнома).

Компаниянинг даврий нашрларни тарқатиш хизматларини тақдим этиш соҳасидаги сифат менежменти тизими ISO 9001:2009 сертификати билан халқаро стандартларга жавоб беришини тасдиқлайди.

#### 4.4. Маркетинг ҳаражатларини баҳолаш.

Компаниянинг даврий нашрларни тарқатиш режаси 2-жадвалда ва маркетинг ҳаражатлари 6-жадвалда илова қилинган.

## 5. Компаниянинг жойлашган жойи

### 5.1. Компаниянинг жойлашган жойи тавсифи.

#### 5.1.1. Хом ашё бозорларидан узоқлик ва тайёр маҳсулотни сотиш, транспорт коммуникациялари.

Бугунги кунда газета ва журналлар Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сурхондарё вилоятларига самолёт билан, қолган вилоятларга автомобиль билан етказилади. Ўз вақтида чоп этилган газета ва журналларни вилоят марказларига барвақт етказиб муштарийларга шу куннинг ўзида етказиш имконияти мавжуд.

Босмахона ва нашриётлардан газеталарни олиб чиқиб тарқатиш чораси мавжуд, доимий равишда белгиланган вақтда автотранспортлар нашриётлар ва босмахоналарга етиб бориб, ташиш учун тайёр туради.

Компаниянинг “Матбуот” киосклари тармоғи, чакана савдо киосклари тармоғини оқилона ва самарали жойлаштириш ҳамда ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқилган ҳолда республикамиз шаҳар, туман марказлари ва узоқ қишлоқларнинг аҳоли гавжум жойларида жойлаштирилган.

Компания ва тизимдаги корхоналарда газета-журналларни ташиш, киоскларга ва обуначиларга етказиб бериш учун ўз автотранспортлари мавжуд ҳамда транспорт халқалари (маршрутлари) бозорларни ўрганилган ҳолда мукамал ишлаб чиқилган.

#### 5.1.2. Хизмат кўрсатиш ва ижтимоий инфратузилмасини баҳолаш.

Компания вақтли матбуотни чакана савдосини олиб бориш учун “Матбуот” киосклари тармоғига эга. Мижозлар (обуначилар) ушбу “Матбуот” киоскларида даврий нашрларга обуна уюштириш ҳамда уларни олиш имкониятига эгалар.

Бошқарув тизимини такомиллаштириш, даврий матбуотни тарқатиш бўйича корхоналарнинг ягона тармоғини яратиш, Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг матбуот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини чакана савдо ва обуна уюштириш орқали кондириш, даврий нашрларни тез ва арзон етказиб бериш учун Компания таркибида 10 та шўба корхона ҳамда 3 та масъулияти чекланган жамиятлар фаолият кўрсатмоқда.

#### 5.1.3. Минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш хусусиятларини ҳисобга олиш, афзаллик ва чеклашлар.

“Матбуот тарқатувчи” АК 2019 йилда бажарилиши лозим бўлган ишлар режасини кўриб чиқиб, бажарилиши лозим бўлган ишлар бўйича устувор йўналишларни белгилаб чиқди:

Даврий нашрларнинг 2019 йил обуна ва чакана нархларини шакллантиришда рақобатчи корхоналарнинг нархларини инобатга олган ҳолда белгилаш;

Республикамизда бугунги кунда барча тўлов турлари бўйича пластик карточкалардан кенг миқёсда фойдаланиш йўлга қўйилганини инобатга олиб обуна тўловларини пластик карточкалар орқали қабул қилишни ташкиллаштириш, миждозларга қулайлик яратиш мақсадида вилоятлар ва Тошкент шаҳрида компания шахобчаларида терминаллар ўрнатиб, хизмат кўрсатиш;

Обуна ишларини жадаллаштириш бўйича мақсадли чора-тадбирларни (самарали реклама воситаларини қўллаган ҳолда) ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Даврий нашрларга обунани қабул қилиш бўйича ишлаб чиқариш жараёнида ахборот технологияларни жорий этиш дастури орқали келгусида Компания веб-сайтидан фойдаланган ҳолда обуна қабул қилиш имкониятини кенгайтириш;

“Матбуот” киоскларида четдан олинган (ҳисоботда акс этирилмаган) даврий нашрлар сотувини олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш;

Мижозлар талабини ўрганиш натижалари асосида “Матбуот” киоскларида

сотиладиган товарлар ассортиментини кўпайтириш;

Маркетинг тадқиқотларга асосан Тошкент шаҳри туманларида ҳамда вилоят марказларининг аҳоли гавжум жойларига янги дизайнли киосклар жойлаштириш;

Сотиладиган нашрлар ассортиментини кўпайтириш, шу жумладан буюртма бўйича китоблар сотувини ташкил этиш;

Вилоятларда ва Тошкент шаҳридаги обуначиларга нашрларни ўз вақтида етказилишини, “Матбуот” киоскларида нашрларнинг доимий савдода бўлишини ҳамда мазкур нашрларни сотувга етказиб беришнинг ҳолатини назорат қилиш ва харидорларнинг мазкур нашрларга бўлган талабларини юзасидан доимий мониторинг олиб бориш мақсадида Компания ходимларидан иборат ишчи комиссияси фаолиятини ривожлантириш;

#### 5.1.4. Экология, атроф-муҳитга таъсири (умумий ахборот)

Компания ишлаб-чиқариш фаолиятини олиб бормаганлиги сабабли экология, атроф-муҳитга салбий таъсири мавжуд эмас.

### 6. Хизмат кўрсатишни ривожлантириш

#### 6.1. Компаниянинг ташкилий тузилмаси.

Компаниянинг бошқаруви ташкилий тузилмаси (иловада келтирилган).

#### 6.2. Компанияда хизмат кўрсатишни ривожлантириш.

Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги аҳоли гавжум марказий кўчаларда жойлаштирилган «Матбуот» киоскларида обуна кампаниясини тарғиб қилувчи реклама лавҳалари жойлаштирилади.

Китоб маҳсулотларининг савдосини янада кенгайтириш мақсадида янги дизайндаги “Матбуот” киоскаси ишлаб чиқилди. Ушбу киоскда китоб маҳсулотлари савдоси учун барча шароитлар мавжуд. Янги дизайндаги киоскларни тайёрлатиш бўйича “Полимет” корхонаси билан ҳамкорлик олиб борилмоқда, 2019 йилда ҳам янги 10 дона киосклар тайёрланиб Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларининг аҳоли гавжум жойларига жойлаштирилиши режалаштирилган.

Ходимлар иш шароитини яхшилаш мақсадида офис мебелларини янгилаш режалаштирилган. Шу билан бирга 4 та автомашина, 10 та компьютер техникаси, 100 та касса аппаратлари сотиб олиб фаолиятда фойдаланиш режалаштирилмоқда 13-жадвал.

Тошкент вилояти маъмурий биносини янгитдан қуриш учун лойиҳа тайёрланиб 1 000,0 млн. сўм маблағ киритиш режалаштирилмоқда.

Ахборот-коммуникация технологиялари негизда хизматларнинг янги турларини жорий этиш мақсадида, “Матбуот” киоскаларида интернет карталари сотуви, халқаро телефон сўзлашув карталари, “Ўзтелерадиокомпанияси” томонидан ишлаб чиқарилган аудио-видео дисклари сотуви, уяли алоқа телефонларига тўлов карталари сотуви йўлга қўйилди. Шу билан бирга, аҳоли гавжум жойларда жойлашган киоскларда телефон-факс ва нусха кўпайтириш хизмати кўрсатилади.

Тошкент шаҳрида жойлашган киоскларда сигарет, ичимликлар ва “снек” маҳсулотлари сотиш йўлга қўйилди. Касса аппаратлари сонини кўпайтириб қўшимча товар сотиш ва хизматлар кўрсатишни кенгайтириш ишлари олиб борилмоқда.

Тизимдаги вилоят корхоналарига ҳам касса аппаратларини босқичма-босқич сотиб олиб ушбу қўшимча товарларни сотиш ва хизматларни кўрсатишни йўлга қўйиш топширилди.

“Матбуот” киоскларида реклама ишларини йўлга қўйиш бўйича музокаралар олиб борилиб “International beverage Tashkent” МЧЖ (Пепси) билан ўзаро шартнома имзоланди.

Жорий йил охирида Компания тизими логистика жараёни қайта кўриб чиқилиб замонавийлаштирилади, автомашиналар паркини янгилаш чоралари кўрилади, янги ҳамкорлар ва етказиб берувчи корхоналар билан шартномалар тузилади.

Компания ходимлари томонидан жойлардаги корхона ва ташкилотларни обуна уюштиришлари графиги асосида чора-тадбирлар мувофиқлаштирилади, даврий нашрларни етказиб бериш сифати назорати кучайтирилади.

Тасдиқланган стратегияга асосан янги жойларга киосклар жойлаштириш, киосклар сонини, маркетинг таҳлиллари самарадорлигини, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва назорат тизимини кучайтириш ишлари олиб борилади.

Маркетинг тадқиқотлари асосида киоскларда китоб маҳсулотлари, тўлов карталари, электрон тўлов тизимлари, буюртмаларини етказиб бериш ва бошқа қўшимча хизмат турларини кўрсатиш кенгайтирилади.

2019 йил обуна мавсумида обуначиларга ҳар томонлама қулайликлар яратиш, обуна мавсумини юқори самарадорлик билан ташкиллаштириш мақсадида, Компания ва унинг таркибидаги корхона ва Компанияларида пластик карточкалардан тўлов қабул қилишга ихтисослашган банк терминаллари ўрнатилиб обуна тўловлари қабул қилинади.

Вилоят марказларининг аҳоли гавжум жойлардаги “Матбуот” киоскларида ҳам пластик карточкалардан тўлов қабул қилишга ихтисослашган банк терминаллари ўрнатилиб чакана савдо ва обуна тўловларини қабул қилиш хизматлари кўрсатилади.

Интернет тизимида Компаниянинг янги кўринишдаги веб-сайти ([www.akmt.uz](http://www.akmt.uz)) ўз фаолиятини 2010 йил март ойидан юрита бошлаган, жорий йилда янгиланган кўринишда олиб борилмоқда. Веб-сайтнинг бош саҳифасида Компания фаолиятига боғлиқ сўнги янгиликлар доимий равишда янгиланган борилади.

Компания веб-сайтининг ИНТЕРНЕТ–ОБУНА бўлимида сентябр ойидан бошлаб вақтли матбуот нашрларига обунани интернет орқали уюштириш дастури жойлаштирилган. Ушбу бўлимда интернет орқали обуна расмийлаштирадиган мижозлар учун обуна каталоглари (вилоятлар ва Тошкент шаҳри учун алоҳида) жойлаштирилган.

Обуначи обуна бўлган нашрлар учун тўловларни “Алоқабанк” кассалари, вилоят корхоналари бўйинмалари ва Компаниянинг ғазнаси орқали амалга ошириши мумкин. Жисмоний шахслар учун пулни тўлаш нақд, пул ўтказиш йўли ва пластик карточка орқали амалга оширилади. Юридик шахслар ўзининг хизмат кўрсатаётган банки орқали ҳисоб-китоб ишларини амалга ошириши мумкин.

Шу билан бирга, Концепция ғоялари ва мазмунини амалга ошириш учун Компания томонидан қуйидаги чора-тадбирлар режалари ишлаб чиқилмоқда ва келгусида амалга оширилади:

- ягона маълумотлар фазосини барпо қилиш, фойдаланилаётган платформалар (дастурлар) сонини оптималлаштириш, маълумотлар ва бизнес-жараёнларни ўзгартириш;
- Компания тизими корхоналари ўртасида корхоналараро корпоратив тармоқни яратиш;
- даврий нашрларга обуна уюштиришнинг автоматлаштирилган тизимини янада модернизациялаш;
- Тошкент шаҳридаги матбуот киосклари ўртасида ахборот узатиш тармоғини яратиш;
- даврий нашрлар тарқатиш соҳасида янги интернет-лойиҳаларни ишлаб чиқиш.

## **7. Меҳнат ресурслари**

### **7.1. Меҳнат ресурсларига эҳтиёж ва уларнинг мавжудлиги.**

Компания тизимидаги корхоналарда кадрлар билан ишлайдиган ҳар бир бошлиқ ва раҳбарнинг энг муҳим вазифаларидан бири, ҳар қандай даражадаги мураккабликка эга бўлган вазифаларни муваффақиятли бажара оладиган ходимларни мақсадли равишда излаш, ўстириш, тарбиялаш ва раҳбарлик лавозимларига кўтаришдан иборат.

Компания кадрларга бўлган эҳтиёжларни аниқлашда ички омилларни баҳолаш учун қуйидаги маълумотлар таҳлилинини бажариб келмоқда:

- доимий банд бўлган ходимлар сони (бошқарув аппаратида - 200 киши);



- ходимларнинг таркиби (малакаси, мутахассислиги, ёш таркиби, миллий таркиби, ногиронлар салмоғи, ишчи ва хизматчилар, ИТХ салмоғи ва ҳоказо);
- ходимлар қўнимсизлиги;
- иш кунининг давомлилиги;
- иш ҳақи, унинг таркиби, қўшимча иш ҳақи, тариф ёки тарифдан юқори тўлов ва ҳоказо.

Компаниянинг меҳнат ресурсларига бўлган талабни режалаштиришда қуйидаги маълумотлар асос вазифасини бажаради:

- мавжуд ва режалаштирилаётган иш жойлари – 2 та;
- ташкилий ва техник тадбирлар режаси – меҳнат биржасида иштирок этиш;
- штатлар рўйхати ва бўш лавозимларни тўлдириш режаси – 2 киши.

## 7.2. Кадрларга қўйиладиган талаблар, уларни ўқитиш зарурияти ва ўқитишни ташкил этиш.

Компания тизими корхоналари кадрларига қўйиладиган талабларни узлуксиз ошириб бормоқда. Бу талаблар жамиятимиз ривожланишининг ҳозирги босқичида айниқса ўсди. Чунки матбуот тарқатиш соҳаси олдида турган вазифалар кундан-кунга мураккаблашиб, кўп қиррали ва масъулиятли бўлиб бормоқда.

Келгусида ҳам обуна тизимидан фойдаланиш, тизим базасидан ахборот кидириш, буюртмалар бериш, уларни бажариш каби кўникма ва тегишли малакаларни эгаллашларини таъминлаш мақсадида тизимда ишловчи обуна ишлари билан банд бўлган ходимлар ва компьютер операторларининг малакасини доимий ошириб борилади.

Янги ишчи ўринлари яратиш, қўшимча хизмат турларини жорий этиш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ишлари ташкил этилган.

Жойларда етук малакали мутахассисларни таклиф этган ҳолда зарур ўқишлар ташкил этилиб, иш фаолияти юзасидан кўпчилик билан муомалада бўладиган кадрларни муомала маданияти бўйича ўқитилади.

Обуна ишлари билан банд бўлган ходимлар ва компьютер операторларининг малакасини доимий ошириб борилади.

Чакана савдо билан банд бўлган “Матбуот” дўконларида ишловчи дўкон сотувчиларнинг малакаси ва муомила маданиятини ошириб бориш мақсадида доимий равишда ўқув семинарлари ташкил этилади.

Компания ходимларининг айрим соҳалар бўйича ташкил этилган ўқув курсларида 336 та ходим малакаси оширилди, шулардан:

- Фавкулотда вазиятлар вазирлиги қошидаги “Фуқаро муҳофазаси институти”да 1 нафар ходим малакасини оширди;
- Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказида 2 нафар ходим малакасини оширди;
- ТАТУ қошидаги “Электрон ҳукумат” ўқув марказида 9 нафар ходим малакасини оширди;
- чет тилларни ўргатиш марказида 15 нафар ходим малакасини оширмоқда;
- Республика шошилиш тиббий ёрдам ўқув марказида 2 нафар ходим малакасини оширди;
- Ижро интизоми, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари, архив иши ва ХФУ грифли хужжатлар билан ишлаш машғулотларида 10 нафар ходим малакасини оширди;
- Обуна ташкиллаштиришдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича 15 нафар ходим малакасини оширди;
- “киоск сотувчилари муомала маданиятини ошириш, сотиш услублари, харидорлар билан ўзаро мулоқот” мавзуларида 182 нафар ходим малакасини оширди;
- Республикадаги бошқа малака ошириш ўқув марказларида 101 нафар ходим малакасини оширди;

Бириктирилган касб-ҳунар коллежлари билан ҳамкорлик асосида компаниянинг малакали мутахассисларини жалб қилган ҳолда ўқувчи ёшларнинг ўқув амалиётини мазмунли ўтказиш ва ёшларни касб маҳоратини ошириб боришда бириктирилган касб-ҳунар коллежлари билан шериклик шартномалари тузилди ва ўқувчилар Компания корхоналарида амалиёт ўташлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди.

Ушбу ишлар 2019 йилда ҳам шу кўламларда ташкил этилиши режалаштирилган.

### 7.3. Штатлар жадвали.

Компания тизимидаги корхоналарнинг штатдаги ходимлари сони ва таркиби ўз уставига мувофиқ корхонанинг ўзи томонидан тузилган штатлар жадвали билан белгиланади. Штатлар жадвали таркибий бўлинмалар, лавозимлар рўйхати, штат бирликлари миқдори, мансаб маошлари, устамалар ва иш ҳақининг ойлик фонди тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. У корхона раҳбари ёки у ваколат берган шахс буйруғи билан тасдиқланади. Штатлар жадвалига ўзгартишлар корхона раҳбари ёки у ваколат берган шахснинг буйруғига мувофиқ киритилади. Компания тизимидаги корхоналарнинг штатдаги барча ходимлари бош директор, директор ёки у ваколат берган шахс, яъни иш берувчи билан меҳнат шартномаси тузадилар.

### 7.4. Бўлим бўйича харажатларни баҳолаш.

Компаниянинг ходимларининг иш ҳақи ва рағбатлантириш режаси 4, 6 ва 7-жадвалларда ҳамда ходимларга моддий ёрдам кўрсатиш режалари 15-жадвалда илова қилинган.

## 8. Молиявий-иқтисодий маълумотлар

### 8.1. Сотишдан тушадиган тушум.

Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, 2018 йил 9 ойида Компания тизимидаги корхоналар сотишдан тушадиган жами тушум бўйича қуйидаги кўрсаткичларга эришди:

жами товар айланмаси (сотишдан тушадиган тушум) – 65 206,2 млн. сўм;

2018 йил охирига келиб (лойиҳа даврида) кўрсаткичлар қуйидагича бўлади:

жами товар айланмаси (сотишдан тушадиган тушум) – 86 941,6 млн. сўм.

Компания тизимидаги корхоналар сотишдан тушадиган жами тушум 5-жадвалда илова қилинган.

### 8.2. Маҳсулот иш хизматлари калькуляцияси.

Нашрнинг обуна ва сотув баҳоси ҳисобланганда унга газета ва журналларнинг таҳририят нархларига нисбатан қуйидаги ташкилотларнинг қилинган харажатлари киритилади:

- энергия ва ёкилғи манбаининг баҳоси бўйича харажатлар;

- босмахоналар экспедициялаш (вилоят, туман кесимларида саралаш ва коплаш) харажатлари (“Шарқ” НМАК, “Ўзбекистон” НМИУ босмахоналари ва бошқа таҳририятларнинг чоп этиш билан боғлиқ харажатлари);

- «Матбуот таркатувчи» АК харажатлари (таҳририят, босмахоналар ва юк ташувчилар билан шартномалар тузиш, обуна каталогини тайёрлаш, чоп қилиш ва тарқатиш, обуна бланklarини чоп этиш ва жойларга етказиш, обуна ишларини тарғиб қилувчи реклама роликлари тайёрлаш ва реклама қилиш, газета ва журналларни чакана савдо орқали сотилишини ва уларга обуна қабул қилинишини назорат қилиш, обуна ададлари бўйича таҳририятларга, нашриётларга, идоралар ва ташкилотларга, Вазирлар

Маҳкамасига обуна уюштириш бўйича маълумотлар тайёрлаш, республика бўйича қабул қилинган обуна ададларини умумлаштириш, обуна ададлари бўйича буюртмаларни таҳририятларга ва экспедиция қилиш учун босмаҳоналарга жўнатиш ҳамда бошқа ишлаб чиқиш харажатлари);

- “Ўзбекистон почтаси” АЖнинг «Халқаро почтамт» филиалининг даврий нашрларни вилоятлар марказигача марказлашган ташиб бериш харажатлари (авто ва авиа);

- “Матбуот тарқатувчи” АК вилоят корхоналари харажатлари (обуна қабул қилиш, хужжатларга ишлов бериш ва умумлаштириш, буюртма тақдим этиш, туман кесимида саралаш ва етказиб бериш);

- “Матбуот тарқатувчи” АК вилоят корхоналари туман бўлимларининг харажатлари (обуна қабул қилиш, хужжатларга ишлов бериш ва умумлаштириш, буюртма тақдим этиш, нашрлар ададларини саралаш ва тарқатиш манзилларга етказиб бериш учун қилинган харажатлар);

- киоск сотувчилари ва обуна уюштирувчилари харажатлари (обуна қабул қилиш, хужжатларга ишлов бериш ва обуна ададларини шакллантириш).

Ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга ва болаларга мўлжалланган нашрларнинг чакана савдо ва обуна нархларини шакллантиришда “Матбуот тарқатувчи” АК ва “Ўзбекистон почтаси” АЖ доимий равишда имтиёзли устамалар (тарифлар) қўллаб келмоқда.

Жорий йилда ҳам Компаниянинг обунани расмийлаштириш ва етказиб бериш харажатлари бўйича устамалари, ҳамда “Халқаро почтамт” филиали даврий нашрларни вилоят марказларигача етказиб бериш тарифлари ўтган йил миқдоридан сақлаб қолинди. Бунинг натижасида, Компания имкониятларидан келиб чиқиб, ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга ва болаларга мўлжалланган нашрларга устамаларни (тарифлар) пасайтиришга эришилди.

Бугунги кунда ушбу имтиёзлар миқдорини ошириб, ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга ва болаларга мўлжалланган нашрлар нархларини янада тушириш ишлари олиб борилмоқда.

### 8.3. Ўзгарувчан ва ўзгармас харажатлар.

Компания фаолиятида ўзгарувчан харажатлар:

- энергия ва ёқилғи манбаининг баҳоси бўйича харажатлар;

- босмаҳоналар экспедициялаш (вилоят, туман кесимларида саралаш ва қоплаш) харажатлари (“Шарқ” НМАК, “Ўзбекистон” НМИУ босмаҳоналари ва бошқа таҳририятларнинг чоп этиш билан боғлиқ харажатлари);

- “Ўзбекистон почтаси” АЖнинг «Халқаро почтамт» филиалининг даврий нашрларни вилоятлар марказигача марказлашган ташиб бериш харажатлари (авто ва авиа);

- “Матбуот тарқатувчи” АК вилоят корхоналари харажатлари (обуна қабул қилиш, хужжатларга ишлов бериш ва умумлаштириш, буюртма тақдим этиш, туман кесимида саралаш ва етказиб бериш);

- “Матбуот тарқатувчи” АК вилоят корхоналари туман бўлимларининг харажатлари (обуна қабул қилиш, хужжатларга ишлов бериш ва умумлаштириш, буюртма тақдим этиш, нашрлар ададларини саралаш ва тарқатиш манзилларга етказиб бериш учун қилинган харажатлар);

- киоск сотувчилари ва обуна уюштирувчилари харажатлари (обуна қабул қилиш, хужжатларга ишлов бериш ва обуна ададларини шакллантириш).

- «Матбуот тарқатувчи» АК харажатлари (сотиш ва бошқа харажатлар).

Компания фаолиятида шартли ўзгармас харажатлари:

- маъмурий харажатлар (МБП иш ҳақи, асосий воситалар амортизацияси, телефон ва алоқа хизматлари, маъмурий бинода коммунал тўловлар, хизмат сафари, канцелярия моллари, компьютерларга хизмат кўрсатиш ва бошқа);
- операцион харажатлар (аудитор хизмати, депозитарий, ходимларни ўқитиш, вакиллик, ижтимоий, эълонлар, ходимларга моддий-ёрдам ва бошқа харажатлар).

Компаниянинг сотиб олиш, маъмурий ва операцион харажатлари 6 - 8 -жадвалларда илова қилинган.

#### 8.4. Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича харажатлар.

Компания меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича харажатлари 4-жадвалда илова қилинган.

#### 8.5. Асосий воситалар амортизацияси.

Компания асосий воситалар амортизацияси 9-жадвалда илова қилинган.

#### 8.6. Солиқ ва мажбурий тўловлар.

2018 йилда Компания ягона солиқ тўловчиси ҳисобланади, фаолият туридан келиб чиқиб товар айланмасидан 5% ягона солиқ тўланади (5-жадвал).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сонли Фармонига асосан, 2019 йилда Компания ҳам, ўтган йил яқунлари бўйича йиллик обороти (тушуми) 1 миллиард сўмдан ошган ёки йил давомида белгиланган чегаравий миқдорга етган корхоналар қаторида умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказилиши режалаштирилган.

Бунда Компания даромаддан 12% солиқ тўлайди, шу билан бирга ер солиғи ва мол-мулк солиғига (2%) тортилади.

#### 8.7. Пул оқимлари тўғрисида маълумот.

Компаниянинг пул маблағлари ҳаракати режаси кутилаётган ҳар ойлик тушум ва пул маблағлари сарфланишини ҳисобга олади.

Фаолият бошида маблағларни ортиқча сарфлашга йўл қўймаслик учун Компания дастлабки олти ойда мавжуд пул маблағлари ҳаракати режасини тузиб чиқади, 10-жадвалда илова қилинган.

#### 8.8. Фойда ва зарарлар прогнози.

Компания фаолияти савдо тизимида кирганлиги сабабли олинган фойдаси даврий нашрларни сотишдан тушган ялпи даромаддан давр харажатлари айирмасига тенг. Шу билан бирга Компания бошқа қўшимча хизматлардан ҳам даромад олади.

Компаниянинг молиявий натижалари прогнози 11-жадвалда илова қилинган.

#### 8.9. Прогноз қилинаётган баланс.

Компаниянинг 2019 йил 31 декабрига прогноз қилинаётган баланси 2018 йил 1 октябрига ҳисобот баланси асосида ишлаб чиқилган, 12-жадвалда илова қилинган.

#### 8.10. Дебиторлик қарзларини ундириш ва кредиторлик қарзларини камайтириш бўйича график ҳамда чора-тадбирлар режаси.

Компаниянинг дебиторлик қарзларини ундириш ва кредиторлик қарзларини камайтириш бўйича график ҳамда чора-тадбирлар режаси амалдаги қонунчиликка асосан ушбу қарзларни келиб чиқишини инобатга олиб Компания бухгалтерияси томонидан амалга оширилади.

## **9. Таваккалчиликни баҳолаш ва суғурта қилиш ишлари**

Компания фаолиятига таъсир қилувчи асосий таваккалчиликлар:

- соҳавий таваккалчилик;
- хўжалик фаолиятидан келиб чиқувчи таваккалчилик;
- рақобатга доир таваккалчилик;
- макроиқтисодий таваккалчилик;
- хуқуқий таваккалчилик;
- солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар.

Ушбу таваккалчиликларни бошқаришни ўрганиш ва йўлга қўйиш Компания олдидаги долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Келгусида Компаниянинг даврий наشرлар бозоридаги таваккалчилигини бошқариш вазифаси хўжалик тизими элементлари ҳаракати устидан назоратни ташкиллаштириш, уларнинг ҳаракатини мувофиқлаштириш ва тартибга солиб туришдан иборат бўлади. Бунда таваккалчиликни суғурталаш имкониятидан фойдаланиш режалаштирилган.

Умуман, ушбу Бизнес режада Компания фаолиятида товар айланмаси 5 202,9 млн. сўмга, даромадлар кўрсаткичлари 1 049,2 млн. сўмга, соф активлари 906,8 млн. сўмга ўсиши кўзда тутилмоқда. Шу билан бирга, 798,0 млн. сўмга капитал қўйилмалар, 302,50 млн. сўмга персонални моддий рағбатлантириш амалга оширилади.

Бизнес режани бажарилиши натижасида 644,5 млн. сўм дивидендларга, шу жумладан Давлат улуши бўйича дивидендларга 167,6 млн. сўм йўналтирилиши режалаштирилган.